



КРИПТО-АКТИВЛАР АЙЛАНМАСИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги Академияси

Киберхуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18218979>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-yanvar 2026 yil

Ma'qullandi: 08-yanvar 2026 yil

Nashr qilindi: 12-yanvar 2026 yil

KEY WORDS

крипто-активлар,
криптовалюта, лицензиялаш,
маъмурий преюдиция, аноним
операциялар, уюшган гуруҳ,
хизмат мавқеи, блокчейн
технологияси, криптовалюта
биржаси.

ABSTRACT

Мақолада крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг ҳуқуқий табиати ва таркиби комплекс таҳлил қилинган. Жиноятнинг объекти, объектив томон, субъект ва субъектив томоннинг хусусиятлари, маъмурий преюдиция тушунчаси, жиноятнинг квалификацияланган турлари — такрорий содир этиш, кўп миқдор ва жуда кўп миқдор, гуруҳ бўлиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб ва уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этиш белгилари батафсил шарҳланган. Халқаро амалиётда учрайдиган крипто-активлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар — жиноий даромадларни легаллаштириш, фирибгарлик, киберхужумлар, терроризмни молиялаштириш ва муаллифлик ҳуқуқларини бузиш турлари таҳлил этилиб, рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий-ҳуқуқий хавфсизликни таъминлашнинг долзарблиги исботланган.

Сўнгги йилларда жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан кириб келмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан кўзланган мақсад фуқароларга қулайликлар яратиш бўлса-да, лекин айрим шахслар бундан жиноят содир этиш йўлида фойдаланмоқда. Бу эса, ушбу йўналишда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгилашни тақозо этмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ жиноятларнинг сўнгги йилларда кенг тарқалаётган турларидан бири бу крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади.

Мазкур зарурат сабабли 2024 йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-899-сон қонунига асосан жиноят кодексининг 278⁸-моддаси “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш” билан тўлдирилди[1].

Жиноятни тавсифлашдан аввал крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик билан боғлиқ тушунчаларни ёритиб ўтиш лозим. Хусусан:

крипто-актив — маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига эга мулккий ҳуқуқ;

маълумотларнинг тақсимланган реестри — маълумотларни ихтисослаштирилган блокларда тақсимловчи технология бўлиб, бунда ҳар бир янги блок олдинги блок билан криптографик имзо орқали боғланади;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари — жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан крипто-активларни сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматларни кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар;

крипто-биржа — крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш учун электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

майнинг-пул — майнинг жараёнини таъминлаш мақсадида ҳисоблаш қувватларини бирлаштирувчи электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

крипто-депозитарий — крипто-активларни чиқариш, уларни дастлабки жойлаштириш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот;

крипто-дўкон — крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот;

охирги бенефициар мулкдор — хизматлар провайдерини бевосита ёки билвосита таъсис этувчи ёхуд унинг устав жамғармасидаги (капиталидаги) улушларига (акцияларига) бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ёхуд ушбу шахсга бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс[2].

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жинояти — бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278⁸-моддасида назарда тутилган, крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиладиган жиноятдир[3].

Ушбу жиноятнинг объекти — бу крипто-активлар айланмаси соҳасидаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси (*лицензиялаш механизми, крипто-биржалар фаолиятининг қонунийлиги, молиявий мониторинг ва шаффофлик тизими, иқтисодий хавфсизлик*) ҳисобланади.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг объектив томони крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш каби

ҳаракатларда ифодаланади ва мазкур ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрорий равишда содир этилганлиги билан тавсифланади.

Жиноят кодексининг 278⁸-моддаси учта асосий хатти-ҳаракатларни назарда тутеди:

биринчидан, крипто-активларни қонунга хилоф равишда *олиш, ўтказиш* ёки *айирбошлаш* ҳаракатларида ифодаланади. Қонунга хилоф равишда олиш деганда крипто-активларни белгиланган тартибга риоя қилмасдан, давлат назорати ва мониторинги доирасидан четда эгаллаб олиш тушунилади. Ўтказиш – бу крипто-активларни бир шахсдан иккинчи шахсга қонунда назарда тутилмаган усуллар ёрдамида ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиб беришни англатади. Айирбошлаш эса крипто-активларни бошқа турдаги активлар, валюта ёки криптовалюталарга қонунга хилоф равишда алмаштиришни ифодалайди. Бу ҳаракатларнинг барчаси крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни бузади ва жиноий-ҳуқуқий нормалар муҳофазасида турган ижтимоий муносабатларга зиён етказиши мумкин;

иккинчидан, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади. Қонунчиликда крипто-активлар соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар махсус лицензия олишлари шарт қилиб қўйилган. Лицензиясиз фаолият юритиш давлатнинг бу соҳадаги назорат функциясини бузади, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимояловчи кафолатларни йўққа чиқаради ҳамда молиявий тизимнинг барқарорлигига таҳдид солади. Бундай фаолият турлари крипто-активларни сақлаш, алмаштириш, воситачилик хизматлари ва бошқа профессионал операцияларни қамраб олиши мумкин.

учинчидан, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш ҳаракатида намоён бўлади. Аноним крипто-активлар деганда операциялар тарихи ва иштирокчиларни аниқлашга имкон бермайдиган махсус технологиялар асосида яратилган криптовалюталар тушунилади. Қонунчилик молиявий операцияларда шаффофликни таъминлаш, терроризмни молиялаштириш ва пул ювиш каби жиноятларга қарши курашиш мақсадида провайдерларга аноним активлар билан ишлашни тақиқлайди. Бундай операцияларни амалга ошириш жиноятчиликка хизмат қилувчи молиявий оқимларни яширишга имкон яратади.

“Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деганда қуйидагиларга эътибор беришимиз лозим.

Ушбу шарт “жиноятларни квалификация қилишда” қуйидаги хусусиятларга эга:

Бу “маъмурий преюдиция” бўлиб, шахс биринчи марта қонунга хилоф ҳаракат содир этганда “маъмурий жавобгарлик”, такрорлаб содир этганда эса “жиноий жавобгарлик” юзага келишини англатади.

Жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун:

1. Аввал ҳам шахс худди шу турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак;

2. Маъмурий жазо “қонуний кучга кирган” (хукм ёки қарор расман қабул қилинган) бўлиши керак;

3. Маъмурий жавобгарлик муддати “ҳали тугамаган” бўлиши керак (1 йил);

4. Худди шу турдаги ҳуқуқбузарлик яна содир этилган бўлиши керак.

Муҳим жиҳати шундаки, ушбу ҳаракатларнинг жиноят деб топилиши учун улар маъмурий жавобгарлик қўлланганидан кейин такрорий равишда содир этилган бўлиши зарур. Бу маъмурий-ҳуқуқий преюдиция (олдинги маъмурий жазо) жиноятнинг мажбурий белгиси ҳисобланади ва қилмишнинг юқори ижтимоий хавфлилик даражасига эришганлигини кўрсатади. Шахс маъмурий жавобгарлик орқали огоҳлантирилганига қарамай, ҳуқуқбузарликни давом эттириши унинг қонунга бўйсунмаслиги ва қасддан мазкур жиноятни содир этишга интилишидан далолат беради.

Объектив томоннинг мазкур белгилари йиғиндиси крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш ва тўғри квалификация қилиш учун ҳуқуқий асос яратади.

Мазкур жиноятнинг субъекти — ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ва қонунда белгиланган белгиларга эга бўлган шахсдир. У **умумий субъект** сифатида қуйидаги **мажбурий белгиларга** эга бўлиши керак: **биринчидан**, жисмоний шахс бўлиши (юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайди, фақат уларнинг раҳбарлари жавобгар), **иккинчидан**, жиноят содир этиш вақтида **16 ёшга тўлган** бўлиши (ЖК 17-модда 1-қисм), **учинчидан**, жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган бўлиши, яъни **ақли расо** (ЖК 18-модда) бўлиши, шунингдек, субъектнинг **махсус белгилари** талаб қилинмайди (махсус таълим, лавозим, касб-хунар, фуқаролик, лицензия мавжудлиги каби шартлар зарур эмас), шунинг учун **ҳар қандай 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ушбу жиноятнинг субъекти бўлади**.

Субъектив томони фақат **қасд** шаклида намоён бўлади, бунда жиноятчи ўз ҳаракатларининг қонунга хилоф эканлигини, лицензиялаш ёки рўйхатдан ўтиш талабларини бузаётганлигини **англаб етади** ва ушбу ҳаракатларни содир этишни **истайди** ёки уларга **онгли равишда йўл қўяди**. Жиноятнинг мақсади одатда молиявий фойда олиш, ноқонуний даромад кўриш ёки давлат назоратидан четлатишдан иборатдир. Қилмишни квалификация қилишда унинг мотиви ва мақсади иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг қуйидаги турлари мавжуд.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми “а” бандига кўра квалификация қилиш учун шахс маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг икки ёки ундан кўп марта Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузишни содир этганлиги, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаганлиги тушунилади. Мисол тариқасида Ўзбекистон Жиноят кодексининг
278⁸-моддасига кўра, лицензиясиз крипто-активлар (масалан, Bitcoin) билан савдо қилиш, айирбошлаш ва ўтказиш биринчи марта содир этилса маъмурий жавобгарлик

(жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155⁴-моддаси бўйича) келтириб чиқаради; маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрорланса, жиноий жавобгарлик (биринчи қисм бўйича) юзага келади; агар биринчи жиноят учун жавобгарликка тортилмасдан содир этилса, модданинг иккинчи қисми қўлланилишини назарда тутаяди, чунки такрорийлик жиноий ҳаракатнинг ўзининг қайтадан содир этишни англатади. Биринчи мазкур жиноят тамом бўлган ёхуд жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёки иштирокчиликда содир этилган бўлса, такроран содир этилган деб ҳисобланади.

Агар илгари содир этилган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жинояти учун шахс қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган бўлса, ушбу жиноят такроран содир этилган деб ҳисобланмайди. Агар янги крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жинояти содир этилган пайтгача айбдордан судланганлиги қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки бекор бўлган айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки илгари содир этилган жинояти учун жавобгарлик амнистия акти ёки афв этиш асосида олиб ташланган бўлса, такрорийлик бўлмайди.

Агар крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини содир этган шахс илгари шу жиноятни содир этганлиги учун судланган бўлса, қилмиш **хавфли рецидивист** томонидан содир этилган деб ҳисобланади. Хусусан, зарурий шарт сифатида судланганлик ҳолати тугалланмаган ва судланганлик олиб ташланмаган бўлиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми “б” бандига кўра квалификация қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорни ташкил қилиши лозим.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш ЖК 278⁸-моддаси 2-қисми “в” бандига кўра квалификация қилиш учун жиноятни содир этишдан олдин келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирок этган бўлишлари лозим.

Бунда олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи таркибига крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузишда маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, жиноятни содир этиш қуроллари ва воситаларни бериб туриш билан кўмаклашган шахслар эмас, балки бевосита иштирок этган бажарувчиларгина кирадилар. Бундай шахслар ЖК 28-моддасига кўра ушбу жиноятнинг иштирокчилари деб ҳисобланиши мумкин.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб квалификация қилиш учун ҳар бир иштирокчининг 16 ёшга тўлганлиги ва ақли расолигини ва бу жиноятни содир этиш учун **олдиндан тил бириктирганликларни аниқлаш керак бўлади.**

Шунингдек, бир гуруҳ шахслар таркибидаги бир шахс жиноят субъекти ҳисобланиб, қолганлари жиноят содир этиш ёшига етмаган ёхуд ақли норасо бўлса, улар фактик жиҳатдан, яъни жиноят қонунчилиги нуқтаи назардан гуруҳ таркибига кирмайдилар. Бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, жиноят субъекти ЖК 278⁸-моддаси 1-қисми билан ва қўшимча жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 127-моддаси 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда шуни унутмаслик лозимки, агар вояга етган шахс мазкур жиноятни содир этишда ўзи бевосита

қатнашмасдан, вояга етмаган ёки ақли норасо шахсдан жиноятни содир этишда фойдаланган бўлса, ушбу фойдаланган шахсни бевосита бажарувчи сифатида жавобгарликка тортиш лозим.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш ЖК 278⁸-моддаси 3-қисми “а” бандига кўра квалификация қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз барабари ва ундан ортиқ бўлган миқдорни ташкил қилиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми “б” банди. Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда деганда, нафақат мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатлари доирасига кирадиган ҳаракатларни содир этиши, балки бошқа мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиши тушунилади.

Мансабдор шахс томонидан ўзининг шахсий алоқаларидан фойдаланиш хизмат мавқеидан фойдаланиш сифатида баҳоланмаслиги керак.

Мансабдор шахснинг нафақат хизмат мавқеига кирувчи ҳаракатларни, балки бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари ўртасида ушбу жиноят субъекти мансаб мавқеи билан боғлиқ бўлган ушбу шахслар муайян томонидан ҳаракатларининг содир этилишига таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланиши жиноятни мазкур модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланишини унутмаслик лозим.

Фикримизча, жиноят кодексининг 278⁸-моддаси 3-қисм “б” бандида назарда тутилган “хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда” деган банд билан квалификацияловчи аломат жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини кескин оширувчи бир ҳолат ҳисобланади. Бу банд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунбузарликларни амалга оширувчи шахснинг ўз хизмат мавқеи, ваколатлари ва имтиёзларидан фойдаланиб жиноятни содир этганлигини англатади.

Хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик мансабдор шахс ёки хизматчи ўз хизмат вазифалари, ваколатлари ва лавозим имтиёзларидан ноқонуний мақсадларда фойдаланган ҳолларда вужудга келади.

Хизмат мавқеи деганда шахснинг лавозими, унинг зиммасидаги ваколатлар, ўз ташкилоти ичида ёки бошқа ташкилотлар, фуқаролар олдида эга бўлган мавқеи ва имтиёзларини англатади. Крипто-активлар соҳасида бу қуйидагиларни қамраб олади:

- Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерининг раҳбар ходимлари (директор, ўринбосарлар);

- Молия масалалари бўйича масъул шахслар (бош бухгалтер, молиявий назоратчи);

- Техник хавфсизлик масъуллари (тизим администраторлари);

- Лицензиялаш ва назорат органларининг ходимлари.

Крипто-активлар соҳасида хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

- Провайдер раҳбари ўз вазифа ваколатларидан фойдаланиб, аноним крипто-активлар билан операцияларни расмийлаштириш;

- Молия масъули лицензиясиз фаолиятни яширишда ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳужжатларни сохта равишда расмийлаштириш;

- Тизим администратори база маълумотларини ўзгартириб, ноқонуний операцияларни легаллаштириш;

- Назорат органи ходимининг текширувлар натижаларини бузиб кўрсатиш ёки яшириш.

Мисол тариқасида банк ходими (масалан, филиал бошлиғи ўринбосари) ўз хизмат мавқеини ва банк тизимига кириш имкониятларини ишлатиб, мижозларнинг маълумотларидан фойдаланиб, лицензиясиз равишда крипто-активлар (Bitcoin ва бошқалар) айирбошлаш платформасини ташкил этади, мижозларни жалб қилиб, йирик операциялар (миллиардлаб сўмлик) ўтказди.

Шундай қилиб, “хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда” деган белги крипто-активлар соҳасидаги жиноятларнинг хавфлилигини оширади, чунки бундай ҳолларда жиноятчи ўз мансаб обрўси, ваколатлари ва ишонч мавқеидан суиистеъмол қилади, бу эса жамият манфаатларига катта зарар етказди.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми “б” бандига кўра квалификация қилиш учун.

Уюшган гуруҳ жиноятдаги иштирокчиликнинг энг хавфли шаклларида ҳисобланади. Бу тушунчанинг умумий мазмуни Жиноят кодексининг 29-моддасида ўз аксини топган бўлиб, 30-моддада эса уюшган гуруҳни ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган шахслар, шунингдек бундай гуруҳ аъзоларининг жавобгарлик асослари, шартлари ва ҳажми аниқ белгиланган. Қонунга кўра, Жиноят кодексида назарда тутилган асослар ва чегарада уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар оғирроқ жазога сазовор бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини содир этишда уюшган гуруҳнинг барқарорлик белгиси кўпинча жиноий фаолиятнинг давомийлиги, ихтисослаштирилганлиги, фаолият соҳасининг бошқа шу каби гуруҳлар билан тақсимланиши, ҳар бир аъзонинг вазифалари аниқ бўлиниши (ташкилотчи, бошлиқ), ички интизом ҳамда жиноий фаолиятнинг маълум вақт доирасида режалаштирилишида ифодаланади. Санаб ўтилган хусусиятлар уюшган гуруҳ томонидан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини содир этишда у ёки бу даражада мавжуд бўлади. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноятга нисбатан уюшган гуруҳ аъзолари учун жавобгарлик масаласида асос, шартлар ва жиноий жавобгарлик даражасига қўйиладиган талаблар қаттиқроқдир. Хусусан, уюшган гуруҳ ташкилотчиси ёки бошлиғи гуруҳ томонидан содир этилган барча жиноятлар унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузишга оид барча жиноятлар учун бажарувчи сифатида жавобгарликка тортилади ва бунда унинг жиноятларни содир этишда бевосита қатнашганлиги аҳамият касб этмайди.

Уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ёхуд уларнинг амалга ошириши учун қулай шароит яратувчи ҳолатларни уюшган гуруҳ манфаатлари белгиси сифатида тушуниш лозим.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб баҳолаш учун суд-тергов органлари қуйидаги иккита белгининг мавжудлигига аҳамият бериши зарур:

биринчидан, айбдор ўзи томонидан содир этилаётган жиноятлар аввало гуруҳ манфаатларини, сўнгра эса шахсий манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганлигини англаши керак;

иккинчидан, уюшган гуруҳ аъзолари ёки унинг ташкилотчиси ҳаракатлари гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилаётганлигини тушунишлари лозим.

Юқорида санаб ўтилган белгилардан бирининг мавжуд бўлмаслиги крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб квалификация қилишга имкон бермайди.

Мисол тариқасида 2025 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳри Яшнобод туманида ИИБ Киберхавфсизлик маркази томонидан фош этилган ҳолатда, олти кишидан иборат уюшган гуруҳ Decent криптовалюта платформаси орқали хорижий онлайн букмекерлик (қимор) сайтларидан олинган ноқонуний даромадларни крипто-активларга айирбошлаш ва легаллаштириш схемасини ташкил этган. Гуруҳ аъзолари январдан августгача (8 ой давомида) лицензиясиз равишда 180 миллиард сўмдан ортиқ операциялар ўтказиб, гуруҳ манфаатлари (катта даромад олиш) учун фаолият юритган; текширувда 38 та мобил телефон ва мингга яқин банк карталари мусодара қилинган.

Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини ҳам гуруҳ аъзоси, ҳам унга кирмаган шахс содир этиши мумкин, бироқ бу ҳолат қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

Шу билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш керакки, гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятини содир этишда ғаразли мақсаднинг мавжудлиги шарт эмас. Чунки бунда жиноятчи бошқа мақсадларни, масалан, ўзининг жиноят содир этиш қобилиятини намоёйиш этиб гуруҳга кириш каби мақсадларни кўзлаган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3832-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш бўйича операцияларни фақат миллий провайдерлар орқали амалга оширади[4].

Шунингдек, ушбу фаолият амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхатига киритилган. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ қуйидаги ҳуқуқбузарликларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш. Коррупция, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар, контрабанда жиноятлари орқали олинган даромадларни легаллаштириш махсус миксер (mixers) ёки транзакцияларни анонимлаштириш хизматлари орқали яширилади ҳамда қонунийлаштирилади;

- фирибгарлик. Ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш етарли даражада эмаслиги ҳамда крипто-активлар махфийлиги даражаси юқори бўлганлиги учун крипто-активлар билан боғлиқ битимларни амалга оширишда фирибгарлик қурбони бўлиш эҳтимоли юқори. Жумладан, крипто-активларни сотиб олиш ёки сотишда фирибгарликка

асосланган платформалар ёки ICO (Initial Coin Offering)дан фойдаланишда алданиб қолиш эҳтимоли юқори;

- киберхужумлар ва тармоқни бузиш. Кripto-активлар биржалари, криптон-хамёнлар ва шунга ўхшаш тизимлар кўпинча киберхужумлар объектига айланади;

- терроризмни молиялаштириш. Кripto-активлар махфийлиги даражаси юқори бўлганлиги учун ундан терроризм ва ноқонуний қуроли гуруҳларни молиялаштиришда фойдаланилиши эҳтимоли юқори;

- муаллифлик ҳуқуқларини бузиш. Блокчейн технологияларидан фойдаланадиган онлайн платформаларда ноқонуний контентлар, дастурий маҳсулотлар, мусиқалар, фильмлар ва бошқа рақамли активлар нусхаларидан ноқонуний фойдаланиш эҳтимоли юқори. Албатта, крипто-активлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун турли давлатларда соҳа учун стандартларни белгилаш ва ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарликни ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Гарчи мамлакатимизда крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилсада, аммо бундай ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаганлиги, содир этилган ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўллашда муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 19.01.2024 йилдаги ЎРҚ-899-сон <https://lex.uz/docs/6763724> [Электрон манбага мурожат қилинган вақт 13.12.2025]
2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг “Кripto-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи 3380-сон 15.08.2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2025.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2025.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарор.
6. Жиноятларни квалификация қилиш муаммолари (махсус қисм) [Матн]: дарслик / Салаев Нодиржон Сапарбаевич, Ниёзова Саломат Сапаровна, Отажонов Абдоржон Анварович. – Т.: ТДЮ нашриёти, 2025. – 584 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/ М. Рустамбаев. - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023. - 751 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 26.08.2004 йилдаги 660-II-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-3832-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6252-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қарори 09.06.2021 йил 3309-сон.

